

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Тилаволдиев Шахобидин Холдарович

*Фарғона давлат университети,
ҳарбий таълим факультети*

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчи ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурурни тарбиялаш ва шакллантириш масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ватан, ватанпарварлик, қадриятлар, миллий ғурур, ахборот хуружи, дахлдорлик, давлат сиёсати.

Ватан - бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан - бу аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

Ватан деганда, ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсган, кўз очиб кўрган, таълим-тарбия олиб вояга етган, неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақл-идроки, меҳнати сарф қилинган юрт кўз олдимизга келади.

Ватанпарварлик – ватанга муҳаббат ва садоқат, ватан учун хизмат қилиш ва бу йўлда бутун умрини ва салоҳиятини бахшида этиш, керак бўлса, ўз жонини ҳам фидо қилиш демакдир. Ватанпарварлик барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун умумий бўлган, асрлар давомида сайқалланиб келган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятлардан бири. Тарихий жиҳатдан ватанпарварлик инсонларнинг ўз ватани тақдири билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланишда, келажаги учун қайғуриш ва дахлдорликда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Бугунги дунёда мутлақо янги мафкура шаклланмоқда. Бу ҳақда Президентимиз таъкидлаганидек, азалий қадриятлар, ижтимоий–сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари кечмоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар, энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Инсон ҳис-туйғулари, баъзан зақоси ҳам кўпинча муваққат бошқарув исканжасида қолади. Бу бошқарув ўрама аниқ ўйланган, кимнингдир манфаати учун аталган мафкуравий, ғоявий мақсадларга хизмат қилади, аниқроғи, йўналтирилади.



Бир қарашда ахборий кўриниш касб этган мазкур жараён замирида катта-катта сиёсий, иқтисодий манфаатлар яширин экани кўпчилик, ҳатто зиёлилар қатлами ҳам сезиши гумон бўлган услубда, ғоят моҳирона сингдирилади. Бу XXI асрнинг энг аёвсиз онг ости хуружидир.

Бундай ахборот хуружларига қарши қандай курашилади ёки унга қарши курашиш воситалари борми? Бунинг учун икки муҳим ғоявий ҳодисани улғайтириш керак бўлади. Биринчиси – макон тушунчаси ва юртга дахлдорлик туйғуси, иккинчиси – миллий ўзлик ва миллий ғурур тарбияси.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза юзага чиқади. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, ҳозир дунёдаги катта геосиёсатни ахборотлар бошқармоқда. Айрим мамлакатлар, миллатлар бошига тушган кулфату қайғу сабабчиси ҳам ахборот уруши оқибатидан эканини барчамиз англашимиз зарур.

- Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур, - дейди Президентимиз.

Хўш, комил инсон мезонларига мос келадиган авлодни тарбия қилиш учун нималарга эътибор бериш зарур? Таъкидланганидек, аввало, ёшлар илмли, жисмонан бақувват бўлмоғи керак. Бундай ёшлар эл-юртга наф келтирадиган кучга айланиши учун эса улар қалбида миллий ғурур туйғуси шаклланиши шарт. Бу ўринда миллий ғурур нима, деган савол туғилиши табиий.

Миллий ғурур, бу – шахс, ижтимоий гуруҳнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини-ўзи англаш шаклларида бўлиб, аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди. У шахс ва ижтимоий гуруҳ хулқ-атворини муайян тарзда йўналтиради, тартибга солади. Миллий ғурур қўйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-мухаббатини амалий фаолиятда намоён этиш.

Миллий ғурур маънавият таркибида муҳим ўрин тутди. Миллий ғурур миллатнинг ўтмишда фан, адабиёт, санъат ривожига қўшган ҳиссаси, буюк алломалари, атоқли саркардалари фаолияти билан боғлиқ бўлади. Миллий ғурури бўлмаган кимса бошқа миллатларга бош эгувчи қарам манқуртга айланади. Миллий ғурурнинг предмети ва мазмуни, яъни қандай шахслар, қандай воқеа-ходисалар билан фахрланаётгани шу миллатнинг мазкур даврдаги маънавий қиёфасини кўрсатади. Халқлар тарихида шундай даврлар бўлиши мумкинки, унда миллатчилик,



шовинистик, хатто фашизм ғоялари устуворлик қила бошлайди. Бундай даврда миллий ғурур предмети салбий ходисалар: мақтанчоқлик, бошқа миллатларни пастга уриш, ўз миллатининг бошқа миллатларга нисбатан устунлигини тарғиб қилиш каби иллатларда намоён бўлади. Бундай ҳолатлар миллат ўзига-ўзи танқидий кўз билан қарай олмаган вазиятларда юз беради. Миллий ғурур адабиёт ва санъатда ўз ифодасини топади.

Соғлом миллий ғурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳам ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни тақозо этади. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий ғурурни миллатпарастликдан фарқлай олади, бошқа миллат вакилларининг иззат-нафси ва ғурурини камситмайди. Мустабид тузум даврида миллий ғурурни ифодалаш миллатчилик билан тенглаштирилар, муайян миллатга мансублик билан эмас, балки иттифоқ фуқаролиги билан фахрланиш талаб этилар, кўпгина миллатларнинг мисллий ғурури топталар ва камситилар эди. Мустақиллик кишилар миллий ғурурини ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда миллий мустақиллигимиздан фахрланиш, мамлакатимизда озод ва обод Ватан, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, замонавий технологиялардан фойдаланиш миллий ғурурни оширадиган омиллардир. Бу эса ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жихатдан белгилайди, уларда соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

Бугун дунёда содир бўлаётган жаҳоний ўзгаришлар, қадриятлар трансформацияси, ахлоқ тушунчаларининг емирилиши давлатлар ва халқлар тақдирида кўплаб салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, биз учун ниҳоятда муқаддас бўлган ватанпарварлик тарбиясининг тағ заминига, асл моҳиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Натижада ватанпарварлик ўрнига ватансизликни тарғиб этиш, “глобаллашув дегани сенинг дунё фуқаросига айланишинг”, деб талқин қилиш, миллий тарихни эскилик сарқити сифатида тан олиш каби ўта мантиқсиз ғоялар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида ватанфурушликни юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда мафкуравий кураш кўлами жуда кенгайди. Глобаллашув сабаб уйдан чиқмай дунёнинг исталган нуқтасидаги инсонни йўлдан оғдириш мумкин бўлиб қолди. Бундай таҳликали замонда миллий ғурур кўзга кўринмас хуружларга қарши энг самарали ҳимоядир. Негаки, миллий ғурури баланд инсонгина ватанпарвар бўла олади. Юртсеварлик эса энг яхши мафкуравий иммунитетдир. Миллий ғурури бор ёшлар ёт қарашдаги одамлар орасида, танг аҳволда ёлғиз қолсада, бошини тик тутиб оиласи, ватани, миллати шаънини ҳимоя қила олади.



Бундай ёшлар нафақат ўзини ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилади, балки йўлдан адашиши мумкин бўлган тенгдошларини ҳам ортидан эргаштиради.

Ўқувчи ва талаба ёшларда миллий ғурур ва ватанпарварликни тарбиялашда мақсад ва вазифалар қуйидагича бўлиши керак:

ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари, маънавий сифатлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган тарбиянинг ягона тизимини яратиш;

ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгушуурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини чуқур сингдириш;

буюк тарихимиз, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий мероси, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларнинг жаҳон цивилизацияси ҳамда ҳарбий санъат ривожига қўшган ҳиссаларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш;

Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз кўрсатган ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, улардаги садоқат, фидойилик, матонат ҳамда жасорат каби хислатларни, шунингдек, юрт, оила, ота-она ва фарзандлар ҳимояси халқ ва аждодлар хотираси олдида муқаддас бурч эканини ёшлар онгига сингдириш;

ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш;

ҳудудларда туркум ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ҳамда «Жасорат мактаби» номли ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинларини ўтказиш орқали ёшлар онгида миллий армиямизга бўлган ишонч ва ҳурматни янада ошириш, ҳарбий хизматни ўташ Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчи эканлиги ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш;

умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитилишининг сифатини ошириш, ўқув-моддий базани мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиш ҳамда шу орқали ўқувчи ёшларда ҳарбий хизмат, уни ўташнинг ҳуқуқий асосларига оид билимлар ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик даражасини ошириш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш — бу бугунги кун



талаби эканини ҳаётӣ мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар оммасига кенг етказиш;

ёшларда аждодларимиз ва ота-боболаримизнинг Ватанни ҳимоя қилишга оид анъана ва қадриятларига садоқатли бўлиш хусусиятларини шакллантириш;

Ватанни ҳимоя қилиш, уни асраш тўғрисидаги замонавий тушунчаларни, дунёқарашни, мазкур масала бўйича шахсий эътиқодни шакллантириш ва мустақамлаб бориш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг маънавий-руҳий тайёргарликларини оширишга ёрдам берувчи таълим-тарбиявий тадбирларни ташкил этиш.

Мамлакатимизда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим олиши, ўсиб-ўлғайиши, ўз билим ва салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётӣ эътиқод ва қарашларига эга бўлган, “ватанпарварлик вакцинаси” билан эмланган, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари бугунги кунда ҳам нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини биз яхши англашимиз ва уни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2023—2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш** КОНЦЕПЦИЯСИ, 2023 йил №267 сонли қарор.

4. А.И.Ибрагимов, Х.Х.Султонов, «Ватан туйғуси», Т, 1996 й.

5. «Ватан ҳимояси - муқаддас бурч» Т. Ҳарбий нашриёт. 2000 й.

6. Ш.Тилаволдиев, «Ҳарбий–ватанпарварлик тарбияси асослари», ўқув дарслиги, Фарғона, 2023 й.

